



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
буюк  
давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 16 октябрь, № 211 (8834)

Чоршанба

Сайтимиға Утиш учун QR-кодани телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ИНДУСТРИАЛ САЛОҲИЯТИ ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 15 октябрь куни Тошкент вилоятининг Олмалик шахрига ташриф буюрди.



Бу шахарнинг асоси ва драйвери — Олмалик кон-металлургия комбинати. Иқтисодиёт, иш ўринлари, уй-жойлар, маданият ва таълим масканлари ушбу мажмуа негизда шаклланди.

Бугун ишчилар, замон билан илдамлаш керак. Давлатимиз раҳбари ҳар бир соҳани илгга асослаиб ривожлантириш талабини қўяди.

Олмалик ҳам кадрлар тайёрлаш шу йўсинда йўлга қўйилган. Хусусан, шаҳарда Тошкент давлат техника университети ҳамда Москва пўлат ва қотишмалар институтининг филиаллари очилган. Яқинда буларга қўшимча Олмалик кон-металлургия комбинатининг Мухандислик мактаби ташкил этилди.

Президент, аввало, мазкур мактаб фаолияти билан танишди.

Бу ерда Германия тажрибаси асосида йилга 480 нафар муҳандис тайёрланади ҳамда минг нафар ходимнинг малакаси оширилади. Дарс жараёналари йўналиш ва мавзулардан келиб чиқиб хорижий профессор-ўқитувчилар иштирокида олиб борилади.

Ўқув дастури Германиянинг Фрайберг кончилик академияси, "GP Gylter Porenburg AG" ва "Aurubis AG" компанияларининг илгор таълим методологиялари асосида ишлаб чиқилган. Мактаб шунга мувофиқ механика, металлургия, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, фойдали қазилмаларни бойитиш, энергетика йўналишлари бўйича замонавий ўқув-амалиёт ускуналари билан жиҳозланган.

Давлатимиз раҳбари мазкур хоналарда бўлиб, иш ўрганаётган ёшлар билан суҳбатлашди.

— Замон ўзгаряпти, ҳар бир соҳага инновациялар кириб келяпти. Шунга муносиб малакали кадр бўлиш учун доим ўз устингизда ишлашингиз керак. Комбинат тақдирини — рақамлаштиришда. Ҳар бир бўлимни, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичини рақамлаштириш зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Олмалик кон-металлургия комбинатда 3-мис бойитиш фабрикаси қурилмақда. Келгусида унда ишлайдиган муҳандислар ҳозирдан тайёрланмақда.

Киска вақтда бу ерда 100 дан ортиқ ёшлар ўқиб, тармоқ корхоналарига ишга жойлашган.

Президентимиз мактабнинг самардорлигини янада ошириш зарурлигини таъкидлади. Бунинг учун ўқувлар мунтазам ташкил этилиши, энг муҳими, амалиёт билан чамбарчас боғлиқ бўлиши керак.

Шу йил 20 июнь куни муҳандислик соҳаларида кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтган эди. Унда биринчи босқичда 10 та олий муҳандислик мактаби ташкил этилиши белгиланганди. Бугунги кунда шундай мактаблар ташкил этилмақда. "Тармоқ — корхона — олийғ" занжирини мустаҳкамлаш мақсадида ҳар бирининг саннат ҳамқори белгиланади.

Муҳандислик мактаблари олий таълим муассасалари таркибиде етакчи йўналишлар бўйича ташкил этилади. Уларда математика, физика, кимё, муҳандислик графикаси, информатика ва

хорижий тиллар бўйича чуқур билим берилди. Бакалаврият ва магистратура "4+1" шаклида йўлга қўйилди. Талабалар иккинчи курсдан иختисоликлар бўйича саралаб олиниб, саннат ҳамқорлари учун мақсадли кадрлар тайёрланади.

Мазкур мактабларнинг профессор-ўқитувчилари "Эл-юрт умиди" жамғармаси, тегишли ҳамқор ва университет маблағлари ҳисобидан етакчи хорижий муассасаларга малака оширишга юборилади. Саннат ҳамқорлари соҳа тараққиётидан келиб чиқиб замонавий лабораториялар ташкил этади.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Олмаликдаги "Ёшлик-1" кони ҳамда унинг негизда қурилаётган 3-мис бойитиш фабрикасини кўздан кечирди.

Олмалик кон-металлургия комбинати рангли, нодир ва қimmatбахо металллар қазиб чиқаришда етакчи. Мамлакатимиз янги саннат маҳсулотининг 5 фоизи, саннат маҳсулотлари экспортининг 6 фоизи унинг ҳиссасига тўри

келади. Комбинат тизимида 35 мингга яқин кишилар ишлайди.

Ўтган йили 148 минг тонна мис, 17 тоннадан зиёд олтин, 162 тонна кумуш ишлаб чиқарилган. 1 миллиард 100 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилиб, 662 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинган.

Кейинги йилларда геологик қидирувлар ва инвестициялар миқдори ошгани натижасида ишлаб чиқаришнинг янги имкониятлари топилмақда. Шулардан бири — "Ёшлик-1" кони. Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 мартдаги қарорига мувофиқ истиқболли инвестициявий лойиҳа амалга оширилмақда.

Кон ҳудуди 11 минг гектар. Заҳирасини ҳам салмоқли — йилга 65 миллион тонна маъдан. Бу конда олтин, мис, кумуш, молибден, селен каби 13 турдаги қimmatли ва нодир металллар бор.

Давлатимиз раҳбари мазкур конда бўлиб қазилари кўздан кечирди, мутахассислар билан мулоқот қилди.

"Ёшлик-1" кони маъданларидан юқори қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун Олмалик кон-металлургия комбинатининг 3-мис бойитиш фабрикаси барпо этилмақда. Унинг қурилишига 2021 йил 29 июлда тамал тоши қўйилган эди.

Бу йирик лойиҳанинг қиймати 4,6 миллиард доллар бўлиб, кони қазилари, фабрика ва унинг инфратузилмасини қуришни ўз ичига олади. Ҳозирги кунда 200 миллион куб метр кон юзаси очилган, 41 километр темир йўл ётқизилган, 650 мегаваттлик подстанция қўйилган. АҚШ, Буюк Британия, Германия, Туркия, Хитой, Россия ва бошқа Европа давлатларидан ускуналар келтирилган. Фабрика ва бошқа инфратузилмалар қурилиши жадал кетмақда.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

## «ИСЛОМ — ЭЗГУЛИК ВА ТИНЧЛИК ДИНИ»

### ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли анжуман қатнашчилари! Қадри дўстлар!

Аввало, сизларни азим Тошкент ва қадимий Хива шаҳарларида ўтказилаётган "Ислом — эзгулик ва тинчлик дини" мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиши билан самимий табриклаймиз.

Биз дунёнинг узок ва яқин давлатларидан ташриф буюрган сиз, азиз меҳмонларни — нуфузли халқаро ислом ташкилотлари раҳбарлари, таниқли олим ва уламолар, жамоат арбоблари ва тадқиқотчиларни тинчлик ва тотувлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик элчилари, деб биламиз.

Сизларнинг муқаддас ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш, жаҳон илм-фани ва цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган буюк алломаларининг меросини ўрганиш ва кенг тарғиб этиш борасида олиб бораётган ибратли фаолиятингизни барчамиз яхши биламиз ва юксак қадраймиз.

Ана шундай эзгу ишларингиз учун сизларга ўз номидан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдираман.

Баркингиз ва меҳмондўст Ўзбекистон диёринга хуш келибсиз!

Азиз дўстлар! Хабарингиз бор, бугунги анжуманимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2023 йил 19 сентябрь куни Нью-Йорк

шаҳрида бўлиб ўтган 78-сессиясида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган ташаббус асосида ўтказилмақда.

Ушбу эзгу ташаббус халқаро ҳамжамият ва сизлар каби маърифатпарвар ва оқил инсонлар тарафидан қўллаб-қувватлангани бизга мамнуният бағишлайди.

Конференцияимизнинг "Ислом — эзгулик ва тинчлик дини" деб номлангани ҳам албатта бежиз эмас. Ҳаммамиз яхши биламизки, ислом дини одамзод учун тинчлик ва омонлик дини сифатида юборилган буюк таълимотдир. Муқаддас Қуръони каримнинг "Бақара" сураси, 208-оятда: "Эй, иймон келтирганлар, ёппасига тинчлик ишига киришингиз!", дея давват қилинган ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Улуғ ватандошимиз Имом Термизий ҳазратлари ривоят қилган: "Аллоҳдан афв ва тинчлик-омонликни сўранлар. Чунки бирор кишига ймондан кейин тинчлик-омонликдан афзалроқ неъмат берилгани йўқ", деган ҳадиси шарифда ҳам тинчлик ва барқарорликнинг инсоният ҳаётида қандай беқисс ҳақиятга эга экани алоҳида таъкидланган.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистонда ислом динининг эзгу қадриятлари, номлари дунёга машҳур мутафаккир олим уламоларимиз меросини асраб-авайлаш, уларни илмий ўрганиб, халқимиз ва жаҳон ахлига етказишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмақда.

Сўнгги етти йилда мамлакатимизда Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари ташкил этилгани, илмий-маърифий жиҳатдан гоё нобўлган Ислом цивилизацияси маркази фаолияти йўлга қўйилгани бунинг ёрқин далилидир.

Айни вақтда Имом Бухорийнинг "Саҳихи Бухорий", "Тарих", "Халқу афъол ал-ибод", Имом Термизийнинг "Сунани Термизий", Имом Мотуридийнинг "Тавхидот ал-Қуръон", "Тавхид", Абу Муин Насафийнинг "Табсирутул адилла", Бурхониддин Марғинонийнинг "Ҳидоя" каби ислом дунёсиде нодир саналган асарлари ўзбек тилига таржима қилиниб, замонавий шарҳлари тайёрлангани ва бу каби хайрли ишлар изчил давом этаётганини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Сўнгги йилларда жаҳонда кузатилаётган глобаллашув жараёналарининг ижобий жиҳатлари билан бирга айрим айрим нохуш ҳолатлар, жумладан, исломфобия кўринишлари мусулмон жамиятларининг тафаккур ва турмуш тарзи, маданияти, урф-одат ва қадриятларига ҳам таъсир кўрсатаётганига ҳаммамиз гувоҳимиз.

Шу маънода, мазкур конференцияда Ер юзиде тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, мўмин-мусулмонлар учун манфаатли бўлган азалий қадриятларни асраб-авайлаш, глобаллашув шариоитида ислом динини замон билан уйғун ва ҳамоман ҳолда ривожлантириш, маънавий поклик ва одоб-ахлоққа қарши гоёвий таҳдид-

ларнинг олдини олиш, исломда ижтимоий ҳимоя масалалари каби муҳим мавзуларнинг муҳокама этилиши катта аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Ишонаманки, анжуман жараёнида бўлиб ўтадиган қизгин муҳокамалар, билдириладиган гоё ва ташаббуслар муқаддас ислом динимизнинг асл маъно-маънунини, эзгулик ва тинчликка хизмат қиладиган олийжаноб гоёларини очиб бериш ва оммалаштиришда муҳим қадам бўлади.

Халқаро конференция доирасида мамлакатимизда мўмин-мусулмонлар учун яратилган шароитлар, виждон эркинлигини таъминлаш, улуғ аждодларимизнинг табаррук хотираларини эъзозлаш, уларнинг илмий-маърифий мероси ва нодир қўлемаларини тадқиқ ва тарғиб этиш йўлида амалга оширилаётган ишлар билан ақидан танишиб, бу борадаги ўзаро ҳамкорлигимизни янада ривожлантириш бўйича юғи тақлиф ва тавсияларни баён этасизлар, деган умиддаман.

Сизларни бугунги нуфузли анжуманнинг очилиши билан яна бир бор қутлар эканман, Яратган Роббимиздан барчангизга сийхат-саломатлик, илмий ва ижодий фаолиятингизга барака тилаб қоламан.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

#### ИФТИХОР

### ЮРТГА САДОҚАТ

Милён юлдуз бордир, шамс бўлақдир,  
Чор тарафда одам — шахс бўлақдир,  
"Ватаним!" деб урган юрак юракдир —  
Элим деган элларвар жасорати бу,  
Миллатпарвар марднинг зўр ибратини бу!

Бир номки, насибдир чинакам эъзоз,  
Ҳақ сўзи дунёга қилмоқда парвоз,  
Қўллаб-қувватлагай миллионлаб овоз —  
Фарзандига халқнинг муҳаббати бу,  
Танграмнинг назари, марҳамати бу!

Тинчлик тиланмаган жонзот бормикин,  
Тинчлик яйратмаган ҳеч зот бормикин,  
Тинчликсиз оламда ҳаёт бормикин,  
Осуда оқшомлар таровати бу,  
Юртбошининг одил сийсати бу!

Ўзингга тиласанг, ўзга ҳам бордир,  
Ўзгани ўйласанг, ўзга ҳам ёрдыр,

Ҳамманинг эгаси Парвардигордир,  
Қадрин ўйлаганин саодати бу,  
Юртбошининг юртга садоқати бу!

Бу сўзларни ёздим миллатим дея,  
Бобомерос кўҳна ҳикматим дея,  
Қабул бўлсин эзгу ниятим дея...  
Шоир хуш тилагин ижобати бу,  
Умр ҳаловатин фароғати бу!

Ҳар дилда кўшдек юз очин ҳар он,  
Янги Ўзбекистон — доврғи дoston...  
Ҳур халқим қудрати бўлсин намoён,  
Ўзбек ўзлигининг далолати бу,  
Учинчи уйғониш қафолати бу!

Оқил Юртбошининг шарофати бу!  
Маҳмуд ТОИР,  
Ўзбекистон халқ шоири.

#### Ҳамкорлик

### Замон билан уйғун ва ҳамоҳанг ривожланиш йўлида

Пойтахтимизда "Ислом — эзгулик ва тинчлик дини" мавзусида халқаро конференция очилди. Ушбу нуфузли анжуманда Саудия Арабистони, Миср, Туркия, Иордания, Умон, Россия, АҚШ, Франция, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Ҳиндистон ва Покистон каби мамлакатлардан 70 дан ортиқ нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, дин арбоблари, муфтийлар, таниқли уламолар қатнашмақда.

Конференция иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг табригини Президент маслаҳатчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди.

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 19 сентябрда бўлиб ўтган Бирлашган

Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида илгари сурган ташаббуси асосида ўтказилаётган анжуманга 15-16 октябрь кунлари Тошкент ва Хива шаҳарлари мезбонлик қилмоқда.



#### САЙЛОВ — 2024

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда. Бугунги сонда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси номидан «Миллий ва умуминсоний қадриятлар — маънавий юксалиш ва маданий тараққиётнинг муҳим асоси» сарлавҳали мақола эълон қилинмақда.

3-саҳифага қаранг.

### СИЁСИЙ ТАДБИРЛАРДА ЖАМОАТ ТАРТИБИ ВА ХАВФСИЗЛИГИ ҚАНДАЙ ТАЪМИНЛАНАДИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловларини ўтказишда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Сайлов куни тинч ва барқарор бўлиши сайловчиларнинг овоз беришини эркин, ихтиёрий ва халқаро стандартлар асосида амалга ошириш имконини беради.

Шуни инобатга олган ҳолда Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида сайловларни ўтказишда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, сайлов округлари ва участкалари ҳудудларини фақуллада вазиятлардан муҳофаза қилиш ҳамда ёнгинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, сайлов комиссиялари жойлашган биноларни узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш чора-тадбирлари ва бошқа ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Шу муносабат билан мажлисда Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Энергетика вазирлиги раҳбарлари томонидан сайловларга тайёргарлик кўриш даврида амалга оширилган ишлар тўғрисида ахборотлар тақдим этилди.



## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ИНДУСТРИЯЛ САЛОҲИЯТИ ЯНАДА КЕНГАЯДИ

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Президентимиз бу ердаги улкан бунёдкорлик ишлари билан атрофлича танишди. Бўлажак заводнинг иқтисодий самарадорлиги, унда қўлланиладиган илгор технологиялар, иш жараёнидаги қулайликлар ҳақида ахборот берилди.

Мазкур фабрика биринчи босқичда йилга 60 миллион тонна рудани қайта ишлаш қувватига эга бўлади. Бу орқали йилга 917 минг тонна мис ва 2,5 минг тонна молибден концентратлари ишлаб чиқарилади. 5 минг 600 кишининг бандлиги таъминланади.

Бу йирик лойиҳа турдош sanoat тармоқларининг ривожланишига ҳам туртки берди. Масалан, фабрика қурилишига металл конструкциялар етказиб бериш учун 6 та завод ишга туширилди. Мухандислик, дастурий таъминот ва касб-хунар таълими янги даражада чиқмоқда. Янги тураржойлар ва хизматларга талаб пайдо бўлмоқда.

Фабрикада логистика жараёни ҳам қулайлаштирилди. Унинг барча корпуслари орасида конвейерлар бўлади. Бу юк ортиш ва ташиниш бартараф этиб, харажатларни қисқартиради.

Иккинчи босқичда қувват 160 миллион тоннага етади ёки бугунги кўрсаткичдан 3 баробарга кўпаяди. Ушбу икки босқич амалга оширилиши натижасида корхона 2028 йилга бориб йилга 400 минг тонна мис, 50 тонна олтин ва 270 тонна кумуш ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Шу тариқа Олмалик комбинати тоғ-кон металлургияси соҳасида дунёдаги энг йирик sanoat мажмуаларидан бирига айланади.

Халқро баҳолаш мезонларига кўра Олмаликда миснинг ялпи захираси 45 миллион тоннани, олтин захираси эса 5 минг тоннадан зиёда ташкил этиши аниқланган. Бу дунё мис қўлида ҳам энг йирик ва ноёб кўрсаткичлардир.

Яна бир муҳим томони, бугун дунёда “яшил” иқтисодиёт, электр техникаси, электрониклар sanoati жадал ривожланмоқда. Бунинг натижасида 2030 йилга бориб мис маҳсулотларига бўлган эҳтиёж 40 фоизга ортishi кутулкилади.

Янги Олмалик комбинати маҳсулотларига талаб узок йиллар давомида халқаро даражада бўлади. Келгусида

комбинат ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар ҳажми 3 мартадан зиёд кўпайиб, унинг қиймати қарийб 8 миллиард долларга етади. 11 мингта янги, юқори технологик иш ўрни яратилади.

Давлатимиз раҳбари “Enter Steel” механика таъмирлаш корхонаси устаноналарида ҳам бўлиб, янги ускуналар ва иш жараёни билан танишди.

Бугун 350 киши меҳнат қилаётган бу корхона томонидан энгил ва оғир sanoat, хусусан, тоғ-кон, газ-кимё йўналишидаги ишлаб чиқариш объектларига асбоб-ускуна, эҳтиёт қисмлар етказиб берилди. Ишлаб чиқарилаётган балка, устун, эстакада, электр токи узатиш таянчлари, сув миноралари, ёритиш ускуналари, GSM антенна маҳсулотлари каби металлконструкция маҳсулотлари, юқори босимга чидамли резервуарлар, бургилаш ускуналари, электр қутиларга талаб юқори.

Бу ерга Хитой, Италия, Германия каби давлатлардан энг замонавий ускуналар келтирилгани маҳсулотлар сифати ва иш унумдорлиги юқори бўлишига хизмат қилмоқда.

Айни пайтда мазкур корхона 3-ми бойитиш фабрикаси учун ҳам зарур бўлган ускуналарга эҳтиёт қисмлар етказиб бермоқда.

Давлатимиз раҳбари заводдаги ишлаб чиқариш жараёни ва тайёрланаётган маҳсулотларни кўздан кечирди. Ишчи-ҳодимлар билан мулоқот қилди. Sanoat ривожланаётган ҳудудларда бу каби лойиҳаларни рағбатлантириш муҳимлиги таъкидланди.

Сўнг Олмалик шаҳрида Тошкент вилояти ривожининг ҳозирги ҳолати ва келгуси вазифалар муҳокамаи юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев ҳудуддаги иқтисодий-ижтимоий натижаларни атрофлича таҳлил қилиб, қўшимча имкониятларни кўрсатиб ўтди.

Сўнгги етти йилда Тошкент вилояти ҳам катта ўзгаришлар бўлди. Худуд иқтисодиёти 1,5 баробарга ўсиб, ўтган йили 119 триллион сўмлик қўшилган қиймат яратилди, тадбиркорлар 16 мингтага кўпайиб, 170 минг доимий иш ўрни очилди. 6 миллиард долларлик 826 та янги sanoat корхонаси ишга тушди, 5 миллиард долларлик экспорт бўлди.

Буларнинг натижасида ўтган тўрт йилда 70 минг, бу йилнинг ўзида 19 минг оила камбағалликдан қичқарилди.

Тошкент вилояти туман ва шаҳарлар сони бўйича республикада биринчи ўринда туради. Худуддаги давлат идораларида салкам 10 минг ходим ишлайди. 1 минг 25 та маҳаллада 6 минг 123 нафар “маҳалла еттичилиги” бор. Бу ички имкониятларни ишга солиб, шаҳару қишлоқларни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш учун етарли куч экани таъкидланди.

Шундай манзилли ўрганишлар натижасида қўшимча 13 миллиард доллар инвестиция, 500 минг иш ўрни, бюджетга 3,5 триллион сўм тушув қилиш имконияти аниқланган. Бу имкониятларни натижага айлантириш учун 22 та туман-шаҳарнинг ҳар бири бўйича ҳукуматнинг алоҳида қарорлари чиқилиши айтилди.

Вилоятда тадбиркорлик қилишга иштиёқ кундан-кун ошапти. Пойтахтдаги корхоналар ҳам инфратузилма яқинлиги, ер, мулк солиғи, ишчи кучи арзонлиги учун Тошкент вилоятидан жой қидиряпти. Шу боис Тошкент, Қўбрай, Зангиота, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ туманлари, Чирчиқ ва Нурафшон шаҳарлари пойтахт туманлари билан ҳамоҳанг ривожланиши кераклиги таъкидланди.

Масалан, Тошкент туманида 97 гектарда индустриал технопарк ташкил қилинади. Унда тадбиркорлар ва банклар иштирокида 350 миллион долларлик юқори қўшилган қийматли лойиҳалар жойлаштирилади. Шунингдек, туманда кўп қаватли уйлар, янги санаторийлар, спорт ва кўнглибор масканлар қуриш имконияти бор.

Ангрэн, Олмалик, Охангарон шаҳарлари, Пискент ва Охангарон туманларининг вилоят sanoatидаги улуши 50 фоизни ташкил қилади. Улар ёнма-ён жойлашган бўлиб, ҳаммаёб захирасига жуда бой. Шу боис бу шаҳар ва туманларда ишлаб чиқаришни кооперация ва кластер асосида ташкил этиш учун мулақо янги тизим — “sanoat учбурчаги” дастури амалга оширилиши айтилди.

Ушбу ҳудудда 1 минг 100 та корхона ишляпти. Янги лойиҳалар ҳисобига 2-3 йилда улар 1,5 мингга етади. Бу кооперация натижасида транспорт харажати ҳам, таннархи ҳам камаяди.

Масалан, Олмалик комбинати йилга 9 триллион сўмлик маҳсулот харид қилапти. Бу — атрофда жойлашган 5 та шаҳар ва туман учун катта имконият экани кўрсатиб ўтилди.

Умуман, йил якунигача хорижий инвестициялар ҳажмини 2 миллиард долларга ва экспортни 1,5 миллиард долларга етказиш, 661 та лойиҳани якунлаб, 30 минг янги иш ўрни яратиш мумкинлиги қайд этилди.

Машинасозлик соҳасидаги талабни тўлиқ таҳлил қилиб, маҳаллийлаштириши кенгайтириш ҳамда йирик корхона билан кооперациясини қулайлаштириш бўйича уч йиллик дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Тошкент вилоятида ер ва сув мўл. Лекин 1 гектардан ўртача даромад бошқа вилоятлардагига нисбатан кам. Сўнгги уч йилда вилоятдаги 21 минг гектар ер деҳқончилик учун 57 минг аҳолига берилган.

Мева-сабзавот экспорти ҳам ўтган йилдагига бўлмаган. 2 минг 200 гектар самарасиз боғ ва тоқзор ҳисобига йилга 10 миллион доллар экспорт йўқотилди. Сув тежовчи технология бўйича Тошкент вилояти энг охириги ўринларда.

Шу каби камчиликлар сабабли вилоят ҳокимининг қишлоқ хўжалиги бўйича ўринбосари вазифасидан озод этилди.

Боғдорчилик бўйича янги тизим асосида Охангарон ва Бўстонликдаги тоғолди ерларда малина ва гўлублика плантацияси, Паркент ва Охангаронда узум ва гилос боғлари ташкил қилиниши айтилди. Ангрэнда анор шарбати ишлаб чиқариш, Охангарон туманида олқурини қайта ишлаш йўлга қўйилди. Бу йил ҳам Тошкент вилоятидаги оилаларга деҳқончилик ва боғдорчилик учун қўшимча 5 минг гектар ер берилди.

Умуман, вилоятни боғдорчиликда намунали ҳудуд қилиб, экспортни 300 миллион долларга етказиш бўйича кўрсатма берилди.

Йиғилишда камбағалликни қисқартириш масалалари ҳам таҳлил қилинди.

Бугунги кунда Тошкент вилоятида 63 мингта камбағал оила қолган бўлиб, уларнинг 190 минг нафар азёси меҳнатга лаёқатли. “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида келаси йили вилоятда 116 минг аҳоли-

ни камбағалликдан олиб чиқиш режалаштирилган.

Лекин бу етарли эмас. Масалан, Тошкент вилояти кичик бизнес орқали аҳолини ишли қилиш бўйича республикада энг охириги ўринда. Вилоят sanoatининг атиги 25 фоизи кичик бизнесга тўғри келади. Шу боис тадбиркорликни ривожлантириб, аҳолига даромад манбаи яратиш бўйича топшириқлар берилди.

Бунинг учун бир йил ичида Сайхунобод тажрибаси асосида 27 минг, Зарбдор тажрибаси асосида 8,5 минг, Ўйчи тажрибаси асосида 39 минг, Ёғиздубон тажрибаси асосида 10 минг камбағал аҳолини банд қилиш вазифаси белгиланди.

Кичик тадбиркорлик лойиҳалари учун ажратиладиган 1 триллион сўм имтиёзли кредит ва 32 миллиард сўм субсидиялар натижасида 30 минг аҳоли тадбиркорликка жалб қилинади.

Кейинги пайтларда Тошкент вилоятидан хорижга арзон ишларга кетувчи 30 мингга камайган. Лекин ҳали 158 минг киши чет элда меҳнат қилаётгани қайд этилди.

Энди Ташки меҳнат миграцияси агентлиги фаолияти такомиллаштирилиб, аҳолини хавфсиз ва юқори даромадли иш билан таъминлаш бўйича янги ёндашувлар жорий этилади. Чет элда мавсумий ишлаб қайтган ва яна кетиш истагида бўлган кишиларга юқори даромадли касблар ўргатилади. Касб-хунари борлар хорижий тилларга ўқитилади.

Ўзал табиати, қулай инфратузилмаси бор Тошкент вилоятида туризм салоҳияти юқори. Лекин тақлифга нисбатан талаб кўп бўлгани сабабли нархлар қиммат. Туризм масканларини кўпайтириб, хизматлар ҳажмини 2 қарра ошириш, 10 миллион сайёҳни жалб қилиш имконияти борлиги қайд этилди. Мутасаддиларга келгуси йил учун 1,5 миллиард долларлик лойиҳаларни шакллантириш топширилди.

Йиғилишда қиш мавсумига тайёргарлик, энергия истеъмоли масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди. Йирик корхоналарда энергия сарфи юқори ускуналарни тежамкорига алмаштириш, маҳалларни иссиқлик билан таъминлаш бўйича топшириқлар берилди.

Тошкент вилояти, шаҳар ва туман ҳокимлари, тармоқ раҳбарлари йиғилишдан хулосалари ва келгуси режалари юзасидан ахборот берди. Давлатимиз раҳбари аҳоли вакиллари билан самимий мулоқот қилди.

Шу кун Президент Шавкат Мирзиёев Олмалик кон-металлургия комбинати фаолияти ва янги инвестиция лойиҳалари билан ҳам танишди.

Иқтисодий ислохотлар барча тармоқларда ўз натижасини кўрсатмоқда. Сўнгги олти йилда Олмалик комбинатида sanoat маҳсулоти 1,8 баравар, маҳаллийлаштириш 7,7 баравар, инвестиция 13 баравар ошган. “Рақамли ОКМК — 2030” стратегияси доирасида 70 дан ортик лойиҳалар амалга оширилган.

Айни пайтда янги мажмуалар қурилиб, мавжуд қувватлар оширилаётган. Комбинатнинг 75 йиллик тарихи давомида 2 та фабрика барпо этилган бўлса, эндиликда янги қувватларни барпо этиш жараёни тезлашди. 2021 йилда “Ёшлик-1” қони негизида 3-ми бойитиш фабрикаси қурилиши бошланган эди. Энди бу лойиҳаниг иккинчи босқичи доирасида 4-ми бойитиш фабрикаси ҳаётга кўчмоқда.

Давлатимиз раҳбари рамзий тугма-ни босиб, ушбу янги завод қурилишини бошлаб берди.

Қиймати 5,3 миллиард долларлик бўлган орқали йилга 146 минг тонна катодли мис, 13 тонна олтин ва 73 тонна кумуш олиш қувватлари яратилди. Йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 1,9 миллиард долларга етади. Фабрика ва унинг инфратузилмаларида 3 миңдан ортик кишилар ишлайди.

Лойиҳага Италиянинг “Wood” ҳамда Буюк Британиянинг “Worley Parsons” компаниялари жалб қилинган. Ишлаб чиқаришда юқори технологик, экологик хавфсиз ва тежамкор технологиялар қўлланиши белгиланган.

Айтиш жоизки, ҳозирги кунда Олмалик кон-металлургия комбинатининг 5-ми бойитиш фабрикаси ҳам лойиҳалаштирилмоқда.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Тошкент вилоятига ташрифи якунланди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**  
**Иқром АБВАЛБЕКОВ,**  
**ЎЗА мухбирлари.**

## Мулоқот

## Делегациямиз нуфузли анжуманда қатнашмоқда

Маълумки, Парламентлараро Иттифоқ дунё мамлакатларининг қонун чиқарувчи органлари учун глобал мулоқот майдони бўлиб, унинг доирасида муҳокама қилинган масалалар жаҳон ҳамжамияти эътиборига етказилади.

Жумладан, парламентлараро алоқаларни рағбатлантириш ва халқаро тинчлик ҳамда ҳамкорликни мустақамлаш борасида бир-галликда фаолият кўрсатиш учун уларни бирлаштириш мазкур тузилманинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Айни кунларда Женева шаҳрида Парламентлараро Иттифоқнинг 149-ассамблеяси бўлиб ўтмоқда. Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги делегациямиз ушбу анжуманда иштирок этяпти.

Ташриф доирасида делегациямиз вакиллари турли мавзудаги дебатлар ва сессияларда қатнашмоқда. Жумладан, сенатор Орал Атанязова Парламентлараро Иттифоқнинг “Саломатлик ҳамма учун” дастури сессиясида махсус маъруза билан чиқиш қилди.

Ушбу дастур глобал саломатликни мустақамлаш ва барча одамлар учун тиббий хизматлардан тенг фойдаланишни таъминлашга қаратилгани билан эътиборга молик.

Сенатор Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини модернизация қилиш бўйича саъй-ҳаракатлар изчиллик билан амалга ошириляётгани, бу борадаги ишлар Парламентлараро Иттифоқнинг “Саломатлик ҳамма учун” дастури гоя ва мақсадларига уйғунлигини алоҳида таъкидлади.

Нуфузли анжуман доирасида Сенат Раиси бошчилигидаги делегациямиз қатор учрашувлар ҳам ўтказди.

Делегациямизнинг мазкур анжумандаги иштироки давом этмоқда.

## Учрашув

## Изчил ислохотларимиз натижалари юқори баҳоланди

Ўзбекистон парламенти делегацияси Женева шаҳрида бўлиб ўтаётган Парламентлараро Иттифоқнинг 149-ассамблеясида иштирок этаётганидан хабарингиз бор.

Ташриф доирасида Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Парламентлараро Иттифоқ Раиси Тулия Эксон хоним билан учрашув ўтказди.

Унда Парламентлараро Иттифоқ билан ҳамкорликда олиб бориляётган ишлар самарадорлиги ва истиқболдаги режаларга эътибор қаратилди.

Сўбат давомида кейинги йилларда юртимиздаги иқтисодий ривожланиш, ижтимоий ҳимоя тизимининг такомиллаштирилгани ҳамда инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлаш борасидаги из-

чил ислохотларимиз натижалари Т. Эксон хоним томонидан юқори баҳоланди.

Шунингдек, Барқорор ривожланиш мақсадлари йўналишидаги фаолият ва бу борада Ўзбекистон парламенти томонидан амалга ошириляётган ишлар ҳақида ҳам айтиб ўтилди.

Мулоқот давомида Марказий Осиё тарихида илк маротаба Ўзбекистонда ўтказиладиган Парламентлараро Иттифоқнинг 150-ассамблеяси дастири ва тадбирга доир режалар, янги лойиҳалар ҳам муҳокама марказида бўлди.

## 150-ассамблеяга тайёргарлик масалалари кўриб чиқилди

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Женева шаҳрида Парламентлараро Иттифоқ (ПИ) Бош котиби Мартин Чунгон билан учрашув ўтказди.

Музокаралар давомида Ўзбекистон парламенти ПИ билан ҳамкорлик алоқалари, келгусидаги режалари кўриб чиқилди. Жумладан, 2025 йилда Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган Парламентлараро Иттифоқнинг 150-ассамблеясига тайёргарлик қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Мулоқот давомида М. Чунгон Ўзбекистон қиска вақтда улкан натижага эришгани, Тошкентда ПИнинг юбилей ассамблеяси ўтказилиши парламентлараро самарали ҳамкорликнинг мантқий давоми бўлишини қайд этди.

Сўбат давомида 150-ассамблея тарихий аҳамиятга эга бўлиши, Ўзбекистон парламенти тажрибасининг намунавий жиҳатларини бошқа давлатларга намён этиши айтиб ўтилди.

Шу билан бирга, Барқорор ривожланиш мақсадларида назарда тутилган гендер тенглик, ижтимоий ҳимоя, инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида парламентнинг тугган ўрнини янада кучайтириш масалаларига эътибор қаратилди.

«Халқ сўзи».

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## КОНСТИТУЦИАВИЙ ҲУҚУҚЛАР КАФОЛАТИ ВА АҲОЛИ МАНФААТЛАРИ УСТУВОРЛИГИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда кун тартибига киритилган масалалар — инвестициялар ва инвестиция фаолиятини такомиллаштириш, фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасини ҳамда иқтисодий жиноятларга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш, банкларни санация қилиш ва тугатиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган муҳим қонун лойиҳалари атрофлича муҳокама қилинди.

## Инвестицияларни рағбатлантиришда муҳим имтиёзлар

Мажлисида инвестициялар ва инвестиция фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан инвесторларнинг кафолатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари белгиланмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда янада қулай инвестиция муҳитини яратиш, амалдаги қонунчиликни илгор халқаро стандартлар, жумладан, Жаҳон савдо ташкилотининг қоидаларига мослаштиришга қаратилган нормалар акс этяпти.

Бундан ташқари, инвестицияларни рағбатлантириш чоралари ва имтиёзлар доираси кенгайтирилмоқда. Хусусан, чет эл сармояси иштирокидаги корхонада хорижий инвесторлар улуши бўйича талаб 15 фоиздан 10 фоизгача тушириляпти. Инвесторларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва улар билан очик мулоқот қилишда янги ёндашувлар назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасида белгиланаётган нормалар билан ортиқча чекловлар бекор қилиниб, инвестиция лойиҳаларининг классификацияси қонун даражасида белгиланяпти.

Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

## Талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати қисқартирилади

Депутатлар “Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг иккинчи ўқишда муҳокама қилди. Мазкур ҳужжат билан Меҳнат кодексига “Ягона миллий меҳнат тизими” идораларо дастурий-аппарат таъмимида электрон шаклдаги меҳнат шартномасини расмийлаштириш тартибини жорий қилиш, иш ҳақи сақланмайдиган таътил давомийлигини белгиллаш ва ходимнинг ўртача иш ҳақини ҳисоблаш тартибини ўзгартиришни назарда тутувчи нормалар акс этмоқда.

Шунингдек, “Таълим тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ ходимлар кечки ёки сиртки таълим шаклида ўқиши мумкин бўлган таълим ташкилотларининг турларини аниқлаштирувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Давлат органлари ва ташкилотлари ишга қабул қилиш чоғида ишга қираётган шахсининг паспорти ёки идентификацияловчи ID-картаси, меҳнат дафтарчасига оид маълумотларни тегишли давлат органлари ва ташкилотларидан мустақил равишда, жумладан, ахборот тизимларидаги идораларо интеграциялашув платформалари орқали сўраб олиши белгиланяпти.

Мажлисида қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида масъул қўмита томонидан муайян ишлар амалга оширилгани, жумладан, қатор тадбирлар,

семинарлар ўтказилгани таъкидланди. Депутатлар томонидан берилган тақлифлар ишчи гуруҳ аъзолари иштирокида таҳлил қилиниб, уларнинг ақсарият қисми лойиҳа матнида акс этгани ва ҳар томонлама пишиқ-пuxта ҳолатга келтирилгани айтилди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

## Молиявий хизматлар кўрсатиш тизими такомиллаштирилади

Мажлисида кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳаси тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш, нобанк кредит ташкилотларининг тадбиркор томонидан кредит олишда уларнинг имкониятларини янада кенгайтиришга қаратилган. Хусусан, кредит олувчи кафолат (кафиллик) бериш имкониятларини кенгайтириш мақсадида ушбу фаолиятни профессионал асосда амалга оширувчи кафолатлар бериш ташкилотини ташкил этиш кўзда тутилган.

Шунингдек, лойиҳа билан нобанк кредит ташкилотларини акциядорлик жамияти ёки масъуляти чекланган жамият шаклида очиб, микромолия ташкилотлари томонидан мижозларга хорижий валютада молиявий хизматлар кўрсатиш ҳамда микромолия ташкилотларига тегишли лицензия олган ҳолда тўлов ташкилоти фаолиятини амалга ошириш имкониятларини бевуручи ҳуқуқий нормалар киритилмоқда.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

## Рўйхатда олиш тартибини ислох қилишда ягона ёндашув

Депутатлар томонидан кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — “Ў

# МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР – МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ ВА МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ АСОСИ



## “MILLIY TIKLANISH” DEMOKRATIK PARTIYASI

Бугун мамлакатимизда барча соҳада олиб борилаётган жадал ислохотлар янги Ўзбекистонни янада ривожлантирмоқда. Бу ўзгаришлар, янгиликлар “Миллий тикланиш” демократик партияси фаолиятини янада самарали ташкил этишга ҳам хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш ўринлики, Асосий Қонунимизда ҳам миллий ва умуминсоний қадриятларни жамиятимиз маънавий-маърифий тараққиётидаги, айниқса, ёш авлод тарбиясидаги тугган муҳим ўрни яна бир бор эътироф этилди.

Жумладан, янги тахрирдаги Конституцияда давлат ва жамият болаларда ҳамда ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқликни, мамлакатидан ҳамда халқнинг бой маданий меросидан фахрланишни, ватанпарварлик ва Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириш тўғрисида гамхўрлик қилишига оид қонуннинг белгиланиши қадриятларга асосланган тараққиёт йўлида ишончли ҳимоя ва ҳуқуқий асос бўлишига хизмат қилмоқда.

Эътибор берадиган бўлсак, юқоридаги қаҳриятларнинг барчаси халқимизнинг миллий қадриятлар тизимини ташкил этадиган гоё ва қарашларни ўз ичига қамраб олган. Қолаверса, мамлакатимизда учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғвор мақсаднинг марказида ҳам қадриятларнинг энг олийси **Хазрати Инсон ва унинг ҳаёти туриши**, халқимизнинг қадр-қимматини янада юксалтириш учун 100 та улуғвор мақсаддан иборат “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг қабул қилиниши қадриятларнинг нафақат тикланиши, балки уларнинг амалда барқарор ривожланиши учун қўлай шароит яратди.

Шу боис ҳам “Миллий тикланиш” демократик партияси ўзининг 2025 — 2029 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурининг муқаддимасида: “Партия Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан қудратли давлат — янги Ўзбекистонни барпо этиш борасида сўнги етти йилда амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар самарасини эътироф этган ҳолда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалга оширишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди”, деб қайд этди.

Парламент ва маҳаллий Кенгашларга ўтказилаётган навбатдаги сайловларда биз “**Қудратли давлатга таянган, қонунлари миллий ва умуминсоний қадриятларга уйғун, инсон қадрни баланд, фаровон жамият қуриш**” вазифасини бош мақсадимиз, “**Қадриятларга таянган тараққиёт**” гоёсини бош шioriимиз деб белгилдик.

Биз учун “**Қадриятларга таянган тараққиёт**” шiori миллий-маданий қадриятлар ва замонавий тараққиёт уйғунлигида жонанон Ўзбекистонимизни қудратли давлатга айлантириш, халқимизнинг фаровонлигини таъминлаш йўлидаги бирлаштирувчи даъватдир.

Дарҳақиқат, миллий қадриятлар халқни бирлаштирадиган, унинг ўзига хослигини шакллантирадиган ва индивидуал, жамоавий даражада хатти-ҳаракатларини белгилайдиган маънавий, маданий, ижтимоий ва тарихий таъминчилар йиғиндиси. Миллий қадриятлар авлоддан-авлодга ўтиб, миллатнинг ўзлигини танитадиган бебаҳо меросдир.

Соҳа мутахассисларнинг таъкидлашича, қадриятлар ҳам ўз моҳиятига кўра табиий, моддий, маънавий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий, иқтисодий, амал қилиш кўлами бўйича эса шахсий, оилавий, жамоавий, миллий, минтақавий ва умуминсоний аҳамият касб этади. Демак, оддий сўз билан айтганда, миллий қадриятлар — **бу миллатнинг “Мени” дир.**

Сайловолди дастурининг барча бўлимида қадриятларимизни тиклашга, уларни ривожлантиришга доир аниқ мақсад ва вазифалар белгиланиб, дастурнинг иккинчи йўналиши “**Маънавий юксалиш ва маданий ривожлантириш**” деб номланиб, 3 та бўлим, 26 вазифадан иборат.

### Миллий маданият ва маънавиятни ривожлантириш, қадриятларни сақлаш, бойитиш — асосий вазифамиз!

Бугун партия ҳар бир ватандошимизни ўз она юртига мансублигини англаштириш учун, миллий қадриятлар замиридаги бунёдкор гоёлар билан халқни қуроллантириш учун ва энг муҳими, дунёнинг қайси бурчада бўлишидан қатъи назар, “**Биз — бир-миз, Ўзбекистонликмиз**”, деган гоё атрофида бирлашишга чақиради.

Бизга маълумки, маънавият ва маданият миллий қадриятларимизнинг асосини ташкил этади. Узини юксак маънавиятга ва маданиятга халққа мансуб эканини онгли равишда ҳис қилган, ундан фахрланган инсон ҳеч қачон ахлоқий ва гоёвий жиҳатдан паст маданиятга эргашмайди, унга қарам

ҳам бўлмайди. Шу боис ҳам партия маънавий тараққиётни таъминлаш, маданият соҳасини янги босқичга олиб чиқиш жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашнинг пойдевори эканини эътироф этади. Партияимиз маънавий юксалиш жараёнида “**Тарих — келажак учун маёқ!**” тамойили дастуриламал бўлиши лозим, деб ҳисоблайди. Ушбу жараёнда давлатчилигимиз ривожининг уч минг йилдан зиёд тарихий тажрибасидан келиб чиқиб иш қўриш, жаҳон цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг илмий, маданий ва маънавий меросига таяниш партия сиёсатининг асосини ташкил этади.

Партия Сайловолди дастурида инсон салоҳиятининг рўёбга чиқишида унинг маънавий дунёси, маданий дунёқараши муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаган ҳолда, **китобхонликни оммалаштириш, театр, кино ва санъатнинг бошқа соҳаларини тарғиб қилиш** орқали жамият ва ҳар бир шахс маънавияти, маданий савиясини

тубхоналарга бўлган эътибор янада кучаймоқда. Китобхонлар учун зарур шарт-шароит яратилмоқда. Бу борадаги ишларни янада кучайтиришда ахборот-кутубхона муассасалари фондлари янги наشرлар билан бойитиш масаласи муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур масала юзасидан партияимиз томонидан депутатлик гуруҳлари иштирокида ўтказилган назорат-таҳлил ишлари давомида мамлакатимизда аҳолига хизмат кўрсатувчи айрим ахборот-кутубхона фондларини янгилашга реал эҳтиёжлар борлиги аниқланган.

Бу борада Ўзбекистон Миллий кутубхонаси тасарруфидаги ахборот-кутубхона марказларининг таъминотини кучайтириш, кутубхоналар биносини қуриш ва қайта таъмирлаш ишларига ҳам аҳамият бериш муҳим ҳисобланади.

Хабарингиз бор, партияимиз кейинги йилларда болалар адабиётини ривожлантиришга ўзининг асосий вазифаси сифатида қарамоқда. Шу боис партия янги дастурида ҳам **болалар адабиёти, мусикаси, кўшиқлари, санъати,**



ошириш мақсадида қуйидагиларни тақдир этиди:

- \* маданий-маърифий соҳада **хокимлар масъулиятини** ошириш;
- \* **театр санъатини** ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш;
- \* миллий **серияллар ишлаб чиқариш концепциясини** яратиш;
- \* **болалар адабиёти**, мусикаси, кўшиқлари, санъати, киноси, мультфильмларини яратиш, **нашрлари фаолиятини ривожлантириш**;
- \* миллий ва ўзга рамзлар, тимсол (символ)лардан фойдаланиш **тартибларини такомиллаштириш**;
- \* **қадимий асарлар ва кўлёзмаларни** тақдир этиш, нашр қилишни янада кўлайитириш;

\* қадриятларни тоифалаштириш, тикланишига муҳтож, барқарор сақланиши зарур қадриятлар рўйхатини тузиш, оммалаштириш.

Юқорида қайд этилган вазифалар миллий қадриятлар тарғиботи воситаларининг деярли барчасини қамраб олган билан аҳамиятлидир.

Фикримизни миллий қадриятимиз бўлган мутлоа маданияти пойдевори ҳисобланган болалар адабиётининг ривожини йўлидаги айрим ҳолатлар бора-бора қулатувларимиз билан давом эттирсак. Негаки, ўзликни англаш **интеллектуал жараёндир**. Интеллектуал қобилиятларнинг ривожланиши эса китоб мутлоаси билан бевосита боғлиқ. Ҳозирги кунда мамлакатимизда ку-

киноси, мультфильмларини яратиш, нашрлар фаолиятини ривожлантириш вазифаси белгиланганини кўриш мумкин.

Мамлакатимизда 2020 — 2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган миллий дастур қабул қилинганга қарамай болалар ва ўсмирлар орасида мутлоа маданиятини шакллантириш масаласи ҳамон долзарб аҳамият касб этаётганини таъкидлаш жоиз.

**Яна бир масала.** Ҳар йили республикамизда 5 — 7 минг номда адабиётлар нашр қилинади. Улардан 25 фоиз болалар адабиётини ташкил этади. 2023 йил ҳолатига кўра, 1 377 номда 8,5 миллион нусхада болалар адабиёти чоп қилинган. Уларнинг аксарияти қайта нашр этиладиган адабиётлардир. Маълумотларга қараганда, дунёда катталарга мўлжалланган адабиётлардан кўра болаларга тааллуқли адабиётлар кўпроқ нашр этилади. Хусусан, Туркия, Италия, Испания, Япония каби давлатларда чоп этилаётган китоблар умумий сонининг 70 фоизини болалар, 30 фоизини катталар адабиёти ташкил этади.

Шу сабабли партия томонидан илгари сурилаётган болалар адабиёти, мусикаси, кўшиқлари, санъати, киноси, мультфильмларини яратиш, нашрлари фаолиятини ривожлантириш тақлифи барчамиз учун долзарб маса-

лалар ечимига қаратилган муҳим ташаббус ҳисобланади.

Шунингдек, Сайловолди дастурида **қадриятларни тоифалаштириш, тикланишига муҳтож, барқарор сақланиши зарур қадриятлар рўйхатини тузиш, оммалаштириш** вазифаси ҳам ўрин олган. Утган сайловларда миллий қадрият ва аъёналар”, “миллий қадрият ва аъёналаримизга зид, айни пайтда оммалашган аъёналар”, “барқарор сақланиши лозим бўлган миллий қадрият ва аъёналар” каби туркумларга ажратилиш вазифаси бор эди.

Бу гагга Сайловолди дастурида ушбу масалани яна киритдик. Негаки, мазкур долзарб масала эртага ўзбекистонликнинг маънавий қиёфаси қандай бўлади, деган саволни олдимизга кўндаланг кўяди. Бу савол ўзликни англашнинг марказида туради. Ҳар қандай ривожланган мамлакатда бу саволга ўзининг жавоби бор. Бизнинг “Уши нуктаимиз”ни қадриятларимиз белгилаб бериши зарур.

Яқинда илк бор иқтисодий масалалар бўйича иқтисодлаштирилган тузилма, яъни Макроиктисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти энг муҳим қадриятларимиз рўйхатини шакллантирди ва уларни иқтисодий тараққиёт ва халқимиз фаровонлигини таъминлашдаги роли ва аҳамиятини таҳлил қилди. Бунда ота-онага эҳтиром, лафз, покизалик, жасорат, ўзбек тили, ҳаракатда — барака, эркин ва мустақил фикрлаш, елкадошлик, бағрикенглик, табиат билан уйғунлик ва рози-ризолик қабилир миллий қадриятларимиз сифатида келтирилган.

Ушбу ўтказилган тадқиқотнинг аҳамияти шундаки, унда миллий қадриятлар нафақат бевосита, балки билвосита омиллар орқали иқтисодий ўсишга ва фаровонликка эришишда ўз таъсирини кўрсатиши илмий исботланган. Ушбу тадқиқотда юқорида келтирилган миллий қадриятларимизнинг аҳоли турмуш фаровонлиги, иқтисодий тараққиёт ва жамият равнақига таъсири илмий асосланган ҳолда эконометрик таҳлиллар ёрдамида аниқланди.

Масалан, ота-онаси билан бирга яшайдиган фуқароларнинг жон бошига ўртача ойлик даромади алоҳида яшовчиларникига қараганда 0,09 фоиз банд юқори эканлиги, бу эса, ўз навба-

тида, ЯИМнинг деярли 0,7 фоизга ўсишига олиб келиши аниқланди. Шунингдек, таҳлиллар ўрта ёки олий маълумотга эга бўлган ёшлар орасида чет тилларини билиш эҳтимоли юқори эканини кўрсатди. Ўзбекистонда ҳар бир қўшимча ўқилган таълим йили иш ҳақининг 8,79 фоизгача ўсишига олиб келиши аниқланди. Ушбу мисоллар қадриятларнинг иқтисодий аҳамияти беқиёслиги уни ҳаётга татбиқ этиш нечоғли зарурлигини кўрсатади. Энг муҳими, бу каби таҳлиллар истеъмолчи маданияти ва кайфиятдагиларни миллий қадриятларнинг инсон учун улкан фойдаси ҳақидаги фикрларига ишонтиради, деб ўйлаймиз.

Миллий мерос муҳофазаси, ундан фойдаланиш, ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш диққат марказимизда бўлади

Миллий мерос муҳофазаси, ундан фойдаланиш, ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш диққат марказимизда бўлади

Маълумки, маданиятнинг ривожланиши ҳар бир миллатнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, маданий соҳанинг қўллаб-қувватланиши



халқнинг умумий турмуш даражасини яхшилашга ва миллий ифтихорни оширишга ёрдам берса, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш жараёнида миллий маданият ва маънавиятни ривожлантириш мамлакатнинг ўзига хослиги ва суверенитетини сақлашга ёрдам беради. Глобаллашув даврида миллий маданият ва қадриятларни асраб қолиш ҳар бир миллат учун муҳим масала бўлиб қолмоқда.

Шу нуктага назардан партия **маданий мерос муҳофазаси, ундан фойдаланиш, ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш борасида маданий мерос объектларини ижарага бериш тизимини тартибга солиш** тарафдори эканини билдиради.

Ҳар бир мамлакат ўз тарихи ва бой ўтмиши билан тирик ва барҳаёт. Ўзбекистон ҳам уч минг йиллик тарихи билан неча асрлардан буюн дунё ахлини ҳайратга солиб келмоқда. Юртимиздаги тарихий-меъморий обидалар аждодларимизнинг тенгсиз ақлу заковати, аниқ фанлар борасидаги бой тажрибасидан дарак бермоқда. Ана шу моддий-маданий меросни асраб-авайлаш, келгуси авлодга бус-бутун етказиш эса ҳам қарз, ҳам фарздор.

Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги Конституциясининг 61-моддасида ҳам: “Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий, маданий, илмий ва табиий меросини асраб-авайлаш шарт. Тарихий, маънавий, маданий, илмий ва табиий мерос давлат томонидан муҳофазат қилинади”, деб белгилангани бежиз эмас, албатта.

Маълумотларга кўра бугунги кунда мамлакатимизда **8 210 та моддий маданий мероснинг** кўчмас мулк объекти давлат муҳофазасига олинган бўлиб, шундан **4 788 таси археология, 2 265 таси архитектура, 625 таси монументал санъат асарлари, 530 та диққатга сазовор жойлардан иборат.** Ўзбекистон Бухоро, Самарқанд, Хива, Шахрисабз, Термиз каби жавахир музей шаҳарларга эга бўлса-да, аммо улардаги маданий объектларга эътибор ва улардан самарали фойдаланиш етарли даражада эмас.

Айнан шу сабабли Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси **маданий мерос объектларини ижарага бериш тизимини тартибга солишга** бўлиб майдонга чиқмоқда. Партиянинг маданий мерос объектларини ижарага бериш тизимини тартибга солишга бўлган позицияси партиянинг миллийлик ва миллий қадриятларни ҳимоя қилишга бўлган қатъий интилишини кўрсатади.

Партия ўзининг мақсадларини, хусусан, маданий ва тарихий ёдгорликларини сақлаш, миллий меросни муҳофазат қилиш орқали ўзликни ва шонли тарихини асрашни устувор вазифа сифатида белгилайди. Бу ташаббус орқали партия **маданий ёдгорликлардан тижорат мақсадларида фойдаланишнинг олдини олишга, уларни миллий бойлик сифатида бутунлигича сақлаб қолишга** ҳаракат қилаётганлигини кўрсатади.

Юқоридагилар билан бир қаторда, партия мазкур йўналишда рўйхатга олинмаган маданий мерос объектларини аниқлаш, давлат муҳофазасига олиш, йўқолиб кетиши ёки бузилишининг олдини олувчи **қонунчилик ташаббусларини илгари суриш**, археология ёдгорликларини очиб осмон ос-

Хулоса ўрнида айтганда, юртимизда миллий уйғониш даврининг навбатдаги босқичи бошланди. Бу жараёнда эса партия гоё ва мақсадларидан келиб чиқсак, **маънавий юксалиш ва маданиятни ривожлантириш масаласи** ҳам қилувчи аҳамият касб этади. Партия томонидан тақлиф этилаётган ташаббуслар халқимизнинг бой маданияти, маънавий ва маданий мероси ҳамда давлат тили нуфузининг янада ошишига хизмат қилиб, мамлакатимизда “**Қадриятларга таянган тараққиёт**” гоёси асосида янада ривожлантириш имконини беради.

тидаги **музейга айлантириш**, маданий мерос объектларини **рўйхатга олиш**, сақлаш ва фойдаланиш тартибини такомиллаштириш, хорижда сақланаётган **қадимий кўлёзма, китоблар ва бошқа осориатикаларимизнинг** асли ёки нусхасини мамлакатимизга қайтариш ҳамда маданий, табиий ва бошқа мерос объектларини **ЮНЕСКО рўйхатларига киритиш** тақлифларини илгари сурмоқда.

Умуман олганда, мазкур ташаббусларнинг амалга оширилиши бой тарих ва маданий меросимизни асраш ҳамда кейинги авлодга етказиш, уларни жаҳон халқларига тараннум этиш, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини мустаҳкамлаш имконини беради.

### Давлат тилини мамлакатимиз ва хорижда кенг тарғиб этиш — устувор вазифамиз

Партия ҳар қандай шароитда миллий манфаатларни муросасиз ҳимоя қилиш, жамиятни ёт маданиятлар ҳисобига эмас, балки урф-одат, аъёна ва қадриятларга асосланиб ривожлантириш мақсадида ўз Сайловолди дастурининг **маънавий юксалиш ва маданиятни ривожлантириш йўналишида давлат тили макомини ошириш, мамлакатимиз ва хорижда кенг тарғиб этишга** ҳам алоҳида эътибор қаратган.

Тил миллатнинг маданияти, тарихи ва ўзлигини сақлаб қолишда халқ қилувчи омиллардан биридир. Миллат ўз тилидан узоқлашса, маданий қадриятларидан ҳам узоқлашиши мумкин, бу эса миллатнинг йўқолишига олиб келиши мумкин. Ўзбек тилининг қонун, илм-фан ва технология соҳаларида тўлиқ қўлланилишига эришиш шунинг учун жуда муҳим. Миллий ўзликни сақлашда тил беқиёс аҳамият касб этиб, у нафақат мулоқот воситаси, балки миллатнинг фикрлаш тарзи, илм-фан ва технологик тараққиётини асқ эътирайдиган восита ҳамдир.

Шу боис партия давлат тилининг мақоми ва нуфузини оширишга қаратилган давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаб, жамият ҳаётининг барча жабҳасида унинг тўлиқ қўлланилиши тарафдори эканини таъкидлаган ҳолда бу борада қатор ташаббусларни илгари сурмоқда.

Хусусан, партия Ўзбекистонда **давлат тили ҳақидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш** масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Илм-фан, техника шиддат билан ривожланаётган даврда тилимиз софлигини сақлаш, жойларга ном танлашда маънавиятимиз ва менталитетимизга хос ва мос, турли соҳалар орқали тилимизга кириб келаётган янги атама-ларнинг ўзбекча муқобилларини яратишга ҳамда ижтимоий ҳаётимизда давлат тили, маънавий қадриятларимиз билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда барча бирдек масъул бўлади.

Шу боис партиянинг **давлат тилига доир ҳужжатларини ислоҳ қилиш бўйича Давлат комиссиясини ташкил этиш**, “**Давлат тили ҳақида**”ги **Конунни янги тахрирда қабул қилиш** борасидаги ташаббуслари ҳам долзарб аҳамият касб этиб, давлат тили нуфузини янада оширишга хизмат қилади.

Зухра МИРЗАЕВА, Руслан ЖУМАМУРАТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар.

# Замон билан уйғун ва ҳамоҳанг ривожланиш йўлида

Тайқидланганидек, мазкур нуфузли конференция шиддатли глобаллашув шароитида ислом дини қадриятлари, унинг тинчликпарварлик моҳиятини кенг тарғиб қилиш, ёшларни диний бағрикенглик ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларда ислом динига ёт радикал қарашларга қарши муросасизлик туйғусини шакллантириш, бу борада Ўзбекистон тажрибасини, динийлик ва дунёвийлик мувозанатини сақлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларини халқро жамоатчиликка етказишга имкон беради.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда кейинги йилларда диний-маърифий соҳада улкан ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридидий халқро илмий-тадқиқот марказлари, Ҳадис илми мактаби, Мир Араб олий мадрасаси, Имом Термизий номидаги ислом институти очилди. Бу муассасаларнинг барчаси нафақат диний, балки дунёвий илмларда улкан ютуқларни қўлга киритган буюк алломаларимизнинг меросини асраб-авайлаш, бугунги кун воқеалари нуктаи назаридан чуқур ўрганиш ва тадқиқ қилиш, тарғиб этиш, нафақат мусулмон олами, балки бутун жаҳон жамоатчилигига танитишга хизмат қилади.

Халқро анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Музаффар Комилов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси Соҳиб Тошбоев, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ва бошқалар ушбу анжуман Ислам динининг асл моҳиятини очиб беришдек улғувор мақсадларни кўзлаши билан аҳамиятли эканини таъкидлади.

Конференцияда Ислам олами уюшмаси Бош котиби ўринбосари Шайх Абдулрахмон Абдуллоҳ ал-Зайд (Саудия Арабистони), Кавказ мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайхул-Ислам Аллоҳшукур Пошшоёв (Озарбайжон), Миср Араб Республикаси муфтийси, профессор Назир Мухаммад Айёв ва бошқалар алломалар диёри бўлган Ўзбекистон “Ҳаҳолатга қарши — маърифат” ғоясининг дунё узра ёйилишида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётганини эътироф этди.

Анжуман давомида бугунги ниҳоятда мураккаб ва таҳликали даврда минтақамиз ҳамда дунёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш мавзусига доир маърузалар ўқилди, ўзаро тажриба алмашиш ва бу йўналишда ҳамкорлик қилиш масалалари кенг муҳокама қилинди. Зеро,



Юсуф БУРИЕВ олган сурат.

мустаҳкам тинчлик ва фаровонликка биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан эришилди.

Муҳокамалар “Ислам қадриятларини асраб-авайлашда ханафий-мотуридидий таълимотиининг моҳияти”, “Глобаллашув жараёнида ислом: мўтадиллик ва бағрикенглик”, “Замонавий жамиятда ғоявий таҳдидларнинг олдини олиш омиллари ва амалий ечимлар (Ўзбекистон тажрибаси)” ҳамда

“Исламда ижтимоий ҳимоя масалалари” каби 4 та шўбага бўлинган ҳолда олиб борилди.

Конференция 16 октябрь куни Хива шаҳрида давом этди. Унда “Ислам — эзгулик ва тинчлик дини” мавзусидаги халқро конференциянинг якуний декларацияси қабул қилинди.

Анжуман дунё халқларининг бирдамлиги ва муштарак тараққиётини таъминлашда ислом таъли-

мотининг, буюк аждодлар меросининг ўрни ва аҳамиятини кўрсатиб бериш билан бирга, ислом динини ниқоб қилиб, манфур мақсадларни амалга оширишга интилаётган бузғунчи тоифаларга қарши курашда уламоларнинг яқдил фикрини қўллаб-қувватлаши билан ҳам ғоят муҳимдир.

**Абдували СОЙБНАЗАРОВ**  
(«Халқ сўзи»).

# СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ОРҚАЛИ КАМБАГАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ МУМКИН

Кейинги йилларда жамият ижтимоий ҳаётининг барча жабҳасини қамраб олган кенг қўламли ислохотлар натижасида Ўзбекистонда камбағаллик даражасини пасайтириш борасида анча ютуқларга эришилди.

Аммо бу натижалар ҳали етарли эмас. Камбағалликни камайтириш — бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, касбга тайёрлаш ва иш ўринларини қўлайлаштириш қаратилган комплекс вазиладир. Шу жараёнда муҳтож одамларга тўғридан-тўғри молиявий ёрдам кўрсатиш, кредит ажратиш билан камбағаллик муаммосини ҳал этишда ижобий натижага эришиш мумкин эмаслиги аён бўлади. Албатта, аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш зарур, аммо камбағалликнинг турли хил сабабларини ҳисобга олган ҳолда, унга қарши курашда муҳим ютуқларга одамлар ўзларининг моддий муаммоларини мустақил ҳал эта оладиган ва ўзларини зарур даромад билан таъминлайдиган шароитлар яратилгандагина эришиш мумкин.

## Мулоҳаза

Шу ўринда, яна бир масалага эътибор қаратиш зарур. Иқтисодий ўсиш асосида камбағаллик билан курашиш бўлмайди. Бунинг учун давлат даражасида жиддий чора-тадбирлар зарур.

Биринчи навбатда, янги иш ўринларини яратиш, таълим сифатини ошириш, тиббиёт хизматларини яхшилаш, ижтимоий дастурлар қабул қилиш ва амалга ошириш тақозо этилади. Масалан, таълим орқали одамларни саводли қилиш, бандлигини таъминлаш мумкин ва бу борада амалий ишларга кўл урилади. Хусусан, Президентимизнинг “Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги қарори ҳам шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Мазкур қарор асосида ташкил этилган “Ишга марҳамат” мономарказлари мамлакатимизда меҳнат бозорининг самарали механизmlарини жорий қилиш, аҳолининг иш-чанлик фаоллигини ошириш, камбағал ва ишсиз фуқароларни замонавий касб-хунарга тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш, шу асосда уларни доимий даромад келтирадиган меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш имконини яратмоқда.

Кейинги йилларда юртимизда ёшлар билан ишлаш бўйича дунёда ўхшаш кам бўлган вертикал бошқарув тизими яратилганини таъкидлаш жоиз. Бу эса маҳаллардаги ёшлар етакчилари орқали қанчадан-қанча йигит-қизларни касб-хунарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш, бўш вақтини маъмул ўтказиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ масалаларни қўйи бўғиннинг ўзида ҳал этиш имконини бермоқда.

Аҳолини олий маълумотли қилиш ва соғлиғини сақлашга эътибор бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу ҳам камбағалликдан ҳалос бўлишнинг муҳим шартидир. Бугунги кунда оддий, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларининг олий таълим олиши учун ҳам шароит яратилган. Камбағал оилаларга махсус стипендиялар жорий этиш ёки бошқа йўллар билан қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ масалаларни қўйи бўғиннинг ўзида ҳал этиш имконини бермоқда.



келтиради. Юртбошимиз томонидан нажот илмда, нажот мактабда, дея бот-бот такорланаётгани бежиз эмас. Таҳлиллар кўрсатишича, олий маълумотга эга бўлганларнинг келтириладиган нафи маълумотиёизларга нисбатан юқори бўлади. Боз устига, таълим тизими таълим бериш орқали меҳнат бозори ва ишлаб чиқариш билан боғланган. Таълим хизмат кўрсатиш соҳасининг таркибий қисми ва умуман миллий ҳўжаликнинг бир бўлаги сифатида малакали ишчи кучини тайёрлаш ва қайта тайёрлашда бевосита иштирок этади ва бу орқали ялпи ички маҳсулотни яратишга ҳисса қўшади.

Олий таълим тизими малакали ишчи кучини шакллантириш ва унинг сифатини ошириш орқали мамлакатнинг иқтисодий ўсишига эришишини таъминлайди. Шу билан бирга, таълим тизими ва фан соҳаси ўртасидаги боғлиқлик инновацияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш орқали иқтисодий ўсиш суръатларига ижобий таъсир кўрсатади. Таълим ва кадрларни касбий тайёрлаш сифатида профессор-ўқитувчиларнинг таъсир этувчи омиллар саналишини инобатга олсак, давлатимиз томонидан уларнинг маошлари 2-3 баробар оширилгани камбағалликни қисқартиришда муҳим омил бўлишига шубҳа йўқ.

Кези келганда айтиш лозимки, Ўзбекистон иқтисодий потенциални максимал даражада татбиқ этиш имкониятига эга. Олий таълим тизими эса меҳнат бозорига керагидан анча кам битирувчиларни етказиб бераётган эди. Ўзбекистонда аҳоли жон бошига даромадларни ҳисобга олган ҳолда, олий таълим тизимининг кенгроқ қамровига эҳтиёж сезаётганини инобатга олиб янги-янги олий таълим муассасалари очилди. Бундан қўзланган мақсад ҳам камбағалликдан қийшдири. Бунинг учун таълим сифатини ошириш ва таълим олиш имкониятини кенгайтириш лозимлиги қайта-қайта

таъкидланяпти. Олийгоҳ, коллеж ёки техникумдаги грант учун етарли баллнинг 80 фоизини тўплаган камбағал оила фарзандларига қўшимча грант ажратилиши, ўзлаштириш кўрсаткичлари юқори бўлган талабаларга фоизсиз таълим кредити берилиши ҳамда камбағал оиладаги хотин-қизларнинг олий маълумотли бўлишига қаратилган ташаббуслар ўқишга моддий имконияти етарли бўлмаган юртдошларимиз қалбини қувончга тўлдирмоқда.

Бундан ташқари, юртимизда ахборот технологиялари соҳасида ўзини ўзи банд этган, қўшилган қиймат яратиш, хизматларни экспорт қилаётган ёшлар учун катта имкониятлар очиб берилмоқда. Хусусан, бу соҳада ўзини ўзи банд қилган ёшларга IT-парк резиденти мақоми берилди. Улар уч йил муддатга барча солиқлардан озод қилинди. Ёшларни катта даромад келтирадиган касбларга ўргатиш, юқори қўшилган қиймат яратадиган лойиҳаларни қўлайлаштиришга қаратилган эътибор тўғрисида камбағаллик қўламини қисқартириш.

Камбағалликдан чиқариш деганда баъзиларда одамларга иш берсак, улар даромадга эга бўлса, ўз-ўзидан камбағалликдан чиқиб кетади, деган фикр мавжуд. Аммо камбағалликка қарши кураш мураккаб жараён. Жаҳон тажрибасини ўрганадиган бўлсак, камбағалликка қарши курашда қатор муваффақиятларга эришилганини кўриш мумкин. Лекин тор доирада ўйлаб, камбағалликни қисқартириш бўйича комплекс чораларни амалга оширмадан муваффақиятсизликка юз тутган мамлакатлар ҳам йўқ эмас.

Яна бир масала — камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлар билан манфаатли ҳамкорлик қилиш тўбора аҳамиятли бўлиб бормоқда. Тадбиркор хамisha савоатпеша бўлиши, етим-есирларга бош бўлиб, уларнинг ўз ҳаёт йўлларини топиб олишига кўмаклашиши, шубҳасиз, қадриятларимизга хос фазилат. Зеро, “қарс икки қўлдан чиқади” деганларидек, эҳтиёжманд аҳолини иш билан таъминлаган корхоналарга турли имтиёзлар берилиши ва лойиҳаларни молиялаштиришда янги тизим яратилиши бўйича Президентимиз томонидан бирдирлигим ташаббуслар давлат ва тадбиркорлар ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлайди.

Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш соҳасидаги ўзига хос ва хорижий мамлакатлардан тубдан фарқ қиладиган жиҳат — юртимизда маҳалла институти мавжудлиги. Ўзини ўзи бошқаришнинг мазкур ноёб тузилмаси жамият бошқаруvinинг энг қўйи таянч бўғини ҳисобланади. Шу сабабли маҳалладаги ислохотлар аҳоли фаровонлиги-

ни таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш самарадорлигига бевосита таъсир этади. Маҳаллада ҳар бир оиланинг турмуш даражасини мониторинг қилиш орқали яшаш шароити, асосий ижтимоий хизматларга эҳтиёжларини аниқлаш имкони мавжуд. Шунинг учун камбағаллик қўламини объектив баҳолаш, мониторинг қилиш, аниқ чора-тадбирларни амалга оширишда маҳалланинг ўрни ва аҳамияти жуда катта.

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам камбағалликни қисқартириш ва ижтимоий ҳимоя бўйича қатор аниқ мақсадлар белгилаб берилганки, ушбу устувор вази-фалар бу борадаги ишлар ривожини янги босқичга олиб чиқмоқда. Тайёрланган “Йўл харитаси”га мувофиқ, камбағалликни қисқартириш мақсадида хусусий сектор ва тадбиркорликнинг турли шакллари ривожланиши учун қўлай муҳит яратиш, камбағал оилалардаги ишсизларни доимий иш ўринлари билан таъминлаш, қишлоқ жойларда камбағал оилаларга томорқа учун ер ажратиш, деҳқончилик ва чорвачиликни ташкил этиш учун имтиёзлар бериш, маҳалларда ҳоким ёрдамчилари ташаббуси билан амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини шакллантириш ҳамда керакли маблағ бериш, камбағаллик даражаси юқори бўлган муаммоли маҳалларда мақсадли дастурларни амалга ошириш бўйича тизимли ишлар олиб бориляпти. Ҳар бир камбағал оилада, аynиқса, хотин-қизлар орасида олий маълумотлилар бўлишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун улар фоизсиз таълим кредитлари, грантлар ва бошқа молиявий ёрдамлар орқали қўллаб-қувватланяпти.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 11 сентябрь куни камбағалликни қисқартириш ишларини кейинги сифат босқичга олиб чиқиш масалалари муҳокама бўйича ўтказилган видеоселектор йўналишида таъкидланганидек, 2020 йилда 7,5 миллион ёки 23 фоиз аҳолининг даромади камбағаллик чегарасига етмасди. Утган йилларда 3,5 миллион одамни даромадли қилиш орқали 2023 йил якуни билан камбағаллик даражаси 11 фоизга тушди. Давлатимиз раҳбари мақсад жуда кенг қўламли экани, унга барча ҳисса қўиши кераклигини таъкидлади. Хусусан, бундан буён камбағалликни қисқартириш умумийли ҳаракатга айланади. Ҳукуматдан тортиб, туман ташкилотигача барча бўғиндаги раҳбарларнинг кундалик иши оилаларни камбағалликдан олиб чиқиш бўлиши керак. Бу борада назорат ҳам, сўров ҳам қаттиқ бўлади.

Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш бўйича амалга ошириляётган миллий модель ўзига хослиги ва кенг қўламлилиги, вужудга келиши мумкин бўлган ижтимоий хавф-хатарларга қарши олдидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилгани, Тараққиёт стратегияси билан ўзаро мувофиқлашганини таъкидлаш лозим. Бундай саъй-ҳаракатлар камбағалликни кескин камайтириш учун муҳим таъмин бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Бахтиёржон АКБАРАЛИЕВ,**  
Андижон давлат университети ректори,  
техника фанлари доктори.

# СИЁСИЙ ТАДБИРЛАРДА ЖАМОАТ ТАРТИБИ ВА ХАВФСИЗЛИГИ ҚАНДАЙ ТАЪМИНЛАНАДИ?



Хусусан, хавфсизлик ва тартибни сақлаш мақсадида мутасадди вазирлик ва идоралар томонидан сайлов участкалари бинолари атрофида қўшимча 332 та видеокузатув камераси, 528 та бинога ёритиш мосламалари ўрнатилди.

Шунингдек, барча бинога олиб борадиган йўллар қўриқдан ўтказилиб, қўшимча равишда йўл белгилар, йўл ётиқ чизиқлари, светофорлар билан таъминланган ҳамда 270 та бино атрофида автотураргоҳлар ташкил қилинди.

Бундан ташқари, мажлисда барча сайлов участкаларининг ёнгина қарши ҳолати текширувдан ўтказилиб, 450 тасида профилактик қўриқ уюштирилгани ҳамда қўшимча равишда 664 та бино ёнгини ўчириш бирламчи воситалари билан таъминлангани хусусида маълумот берилди.

Шу билан бир қаторда, Энергетика ва тартибни сақлаш томонидан сайлов куни комиссияларнинг биноларини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш чоралари қўрилгани маълум қилинди.

Юқоридегиларни инобатга олган ҳолда Марказий сайлов комиссияси томонидан бўлажак сайловларни ўтказиш даврида жамоат тартибини ва хавфсизлигини таъминлаш, фавуқлодда вазиятлардан муҳофаза этиш, ёнгин хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида қатор қабул қилинди.

Шу билан бирга, кун тартибига мувофиқ хорижий давлатлар ва халқро ташкилотларнинг 108 нафар вакили халқро кузатувчи сифатида аккредитациядан ўтказилди ҳамда бошқа масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

## «Жаҳон чемпионати — 2026»

# Муҳим ғалаба қўлга киритилди

Кеча футбол бўйича 2026 йилда ўтказиладиган Жаҳон чемпионатига йўлланма олиш учун Осиё футбол конфедерацияси 3-босқич саралаш ўйинларининг 4-тур беллашувлари давом эттирилди. Тошкентдаги муҳташам “Бунёкдор” стадионида Ўзбекистон миллий терма жамоаси Бирлашган Араб Амирликлари жамоасини қабул қилди.



Мазкур жамоа Ўзбекистон термаси билан энг кўп дуч келган рақиблардан бири ҳисобланади. Шу пайтга қадар БАА билан жами 17 маротаба турли мусобақаларда учрашган бўлсак, фақатгина тўртта ўйинда улар устидан зафар қўчилган. Қолган баҳсларда 4 та дуранг ва 9 та мағлубият қайд этилиб, тўплар нисбати араблар фойда-сига ҳал бўлган — 19:25. Тошкентда кечган баҳсларда эса футболчиларимиз бирор марта ушбу терма жамоани мағлубиятга уратмаган. Сечко Катанец шогирдларидан мазкур ноҳуш аънъани нафақат йўқотиш, шу билан бирга, гуруҳдаги етакчилик ўрнимизни сақлаб қолиш учун ғалаба талаб этиларди.

Айтиш керакки, ўйиннинг дастлабки дақиқаларидан ҳужумга отланган футболчиларимиз 1-бўлимида бирмунча суст ҳаракат қилишди. Иккинчи бўлимида мураббийлардан зарур кўрсатмаларни олган миллий терма жамоамиз ҳужумкорликни ошириб, рақиб дарвозаси томон зарбала сонини кескин кўпайтиришди. 66-дақиқада навбатдаги ҳужумларнинг бирида Абдулла Ҳаммад Шерзод Насруллаевга нисбатан ўта кўпол ўйнади ва бу қоидабузарлик учун хитойлик ҳакам томонидан четлаштирилди. 75-дақиқада Бобир Абдуҳолиқовнинг жарима майдончасидаги фаолигидан сўнг тўп рақиб футболчисининг қўлига теғди. Ҳакам иккиланмай 11-метрлик белгини кўрсатди. Отабек Шукуров берган зарба эса гол бўлиб, футболчиларимизни ҳисобда олдинга олиб чиқди.

Баҳс 1:0 натижаси билан якунланди, муҳим ғалаба қўлга киритилди. Айни пайтда Ўзбекистон миллий терма жамоаси 10 очко билан гуруҳ пешқадамларидан бири бўлиб турибди.

Гуруҳдаги Қирғизистон — ҚХДР ўйинида 1:0 ҳисобида мезбонлар ғалаба қозонган бўлса, Эрон — Қатар учрашу-ви 4:1 ҳисоби билан туғди.

**Суннатилла ИСЛОМОВ**  
(«Халқ сўзи»).

Самарқанд давлат тиббиёт университети жамоаси университетнинг бош муҳандиси  
**Шариф ОСТАНОВНИНГ**  
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия ихроқ қилади.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1042. 12 718 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Гезамаки ҳаждаги маълумотларни оқиб олш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;  
эълонлар 71-259-74-45.

Тахририятга келган қўламлар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Гезатанинг мақсади берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Гезата тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Гезатанинг полиграфик ҳажатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” навириёт-матбаа акциядорлик компанияси масул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

**МАНЗИЛИМИЗ:**  
100066,  
Тошкент шаҳри,  
Ислам Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.  
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” навириёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.50 Топширилди — 01.50 1 2 3 4 5 6